




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 153 (9.191)



1998 йил


28 декабрь, душанба



Сотувда эркин нархда

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ



тўғрисидаги қонунни тасдиқлади.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик сессияда Радио частота спектори тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Электроника институт» директори Ў.Рахмонов, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А.Абдувасилов, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасининг бош директори В.Кучеров, Сирдарё вилояти Ширин шаҳ-

ларида «Аста-секин топширишни кўзда тутишни айтиди.

Давлат бошлиғи ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ривожлантиришнинг учта асосий йўналишини белгилаб берди. Биринчидан, маҳаллий ҳаётга доир масалаларни ҳал қилиш учун бу органларга кенг ваколат бериш, иккинчидан, улар зиммасига юклатилган вазифаларни қўнун билан мустақамлаб қўйиш ва шу йўл билан уларнинг нуфузини ошириш, учинчи йўналиш, ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустақамлаш билан боғлиқ.

Президент қонун лойиҳаси янги тахрирининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб, депутатларнинг эътиборини аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратилган маблағни тақсимлаш ишида оқсоқолларга қарол, аҳоли коммунал хизмат ҳақини тўла тўлашни ташкил этишда юқори натижаларга эришган ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳодимларини рағбатлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар беришга қаратди. Тўловларнинг юз фоиз тушуми таъминланса, унинг бир қисmini маҳалла тасарруфи учун бериш кўзда тутилмоқда.

Даромадлари бу хизматлар ҳақ тўлаш имконини бермайдиган оилаларга ёрдам кўрсатиш зарурлигида эътибор қаратилди. Маҳалаларда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустақамлашга жамоатчиликни жалб этиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини бутун қорал билан ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини барча даражадаги депутатлар иштирокида батафсил муҳокама қилиш, одамларнинг фикрини, уларнинг қатъий фуқаролик маъқеини аниқлаш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг бир қанча давлатларро битимларини ратификация қилди, ўз ваколатларига оид бошқа айрим масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси шу билан ўз иштини якунлади.

ДАВР САДОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиш кетиши тартибга солишга доир қўшимча қоратдирилар тўғрисида»-ги Фармонга имзо чекди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти «Давлат-тижорат Халқ банкни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонга имзо чекди.
- Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университетида «Замонавий оила: келажак муаммолари ва режалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Тошкентда «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.
- «Тошкент тахриба механика заводи» Ўзбек — Исроил қўшма корхонасида мамлакатимизда биринчи бўлиб қуёш нурларидан фойдаланган ҳолда сувларни иситишга мўлжалланган қуёш мослагичларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Бугун «Дийдор» реклама-ахборот фирмасида ушбу фирма ва «Ўзбекистон — Словакия» жамиятининг фаол иштирокида кўргазма очилди. Унда словакиялик мусавирлар — Ярилла Велька, Душан Секела, Даниел Биделницаларнинг асарлари, шунингдек, таниқли сураткаш Фарҳод Қурбонбоевнинг Президент Исроил Каримовнинг Словакия Республикасига дастлабки расмий ташрифи тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлари намойиш этилмоқда.

ЖАҲОНДА

- Бельгия парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳаёратини тугаллади. Бельгия ушбу Битимни расман ратификация қилган ўн тўрттинчи давлат бўлди.
- Россия ва Белоруссия Президентлари Б. Ельцин ва А. Лукашенко Москвада Россия билан Белоруссиянинг бирлашуви тўғрисидаги сиёсий Декларацияни, Россия ва Белоруссия Иттифоқи фуқароларининг тенг ҳуқуқлари тўғрисидаги Шартномани ва ҳўжалик субъектларининг кенг шароитларини яратиш тўғрисидаги Битимни имзоладилар.
- Эрон Тожикистонга 25 миллион доллар ҳажмида кредит ажратди.
- Россия Федерацияси Давлат Думаси кўпчилик овоз билан келгуси йилнинг бош молиявий ҳўнун — бюджетни қабул қилди.
- Украина бундан буён ҳам сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўлидан оғишмай бораверди. Бу ҳақда Украина Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Бош вазир Валерий Лустовойтенко айтди. У ҳўкуматга «Украина-2010» режасининг лойиҳасини тақдим этди.
- Ўтган шанба кўни Қирғизистон парламентининг сессиясида Президент Аскар Абаевнинг тақлифига кўра Бош вазир сайланди. Илгари Республика давлат мулки жамғармасига раҳбарлик қилган 54 ёшли Жумабек Ибраимов Қирғизистон Бош вазирли бўлди.
- Япония билан Эрон қўрал-яроғларни тарқатмаслик ва қўрсотмаслик, терроризмга қарши кураш соҳаларида биргаликда қўн-ғайрат сарфлаш ҳақида келишиб олишди. Япония ташқи ишлар вазири Масахико Комура ва унинг эронлик ҳамкасби Камол Харазий бу ҳақда қўшма матбуот анунамиди айтишди.
- Озарбайжонда тўрт нафар ҳарбий Ватанга ҳўннат қилишдаги айби учун суғда тортилди.
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош котиб Кофи Аннанинг кўрсатмасига биноан Кипрдаги БМТ тинчлик қўларининг ваколатини 1999 йил 30 июнгача узайтиришга қарор қилди.
- Туркия Президенти Сулаймон Демирел иқтисодиёт ва савдо вазири 54 ёшли Ялим Айриза янги ҳўкумат тузиш вазифасини топишди.
- Оренбурглик станоксозлар Асака автомобилсозларининг дастлабки бюртмасини бажардилар.
- Ирок БМТ ҳарбий назоратчиларининг мамлакатга қайтиб келишига йўл қўймаслиги ҳақида яна баёнот берди.
- Шарият суди Чеченистон Республикаси парламенти фаолиятини тўхтатди. У депутатларнинг фаолиятини исломга зид деб топди.
- Сьерра Леоне пойтахтидаги нотинч вазият муносабати билан кўпгина мамлакатларнинг дипломатик маҳкамалари ўз ҳодимларини қўшни Сенегалга қўчирмоқдалар.
- Руминия Президенти Эмил КонстантINESКУНинг АКШга қилган расмий ташрифи нўҳўсига өтди.
- Янги йил арафасида дунёнинг турли мамлакатлари аҳолиси соғва-салом ҳарид қилишга охиқмоқда. Қўллаб америкаликлар эса «Интернет» тармоғи орқали маҳсулот харид қилишни афзал қўрмоқдалар. Бу беҳиз эмас, зеро, вақт тигиз даврда навбат кўтишдан кўра уйда бамайлихотир исталган маҳсулотни танлаш маъқул. Буни яхши англаган савдо компаниялари ҳўзининг ўзидаёқ «Интернет» рекламиси учун салкам 4 миллион доллар сарфладилар.
- Жазоир гарбидан 150 километр узоқликда кетаётган автомобиллар қарвонига қўлинган ҳўжум оқибатида саккиз нафар ҳарбий хизматчи ҳўлак бўлди, 15 киши жароҳатланди.

Анқоманлар

ХўЖАЛИКНИ ҚўРИТИШ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Маълумки, бугунги кўнда республикамиз иқтисодий ҳаётида хўжалик қўритувчи субъектлар ўртасидаги шартномалар муносабатларини тўғри йўлга қўйиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг 1 ноябидан бошлаб қўнча қирған «Хўжалик қўритувчи субъектларининг шартномалар-ҳўқуқий базаси тўғрисидаги Қонуннинг Ўз олдига қўйган мақсади ҳам шартномалар муносабатларини тўғри йўлга қўйишдан иборатдир.

Шу жиҳатдан олганда қўнча Тошкент шаҳар ҳўқимлигида шаҳар адлия бошқармаси ва Хўжалик суди ҳамкорлигида ўтказилган семинар-кенгаш хўжалик қўритувчи субъектлар ўртасида шартномалар муносабатларини бугунги кўн талаблари даражасида ташкил этилганлиги билан аҳамиятга моликдир.

Семинарни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар ҳўқимининг биринчи ўринбосари Аҳмажон Миржалолов қўнча раҳбарларининг бозор иқтисодиёти шартинда ҳўқуқий саводдон бўлиш ҳақини қўнчалардан ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар қўнча ҳўжатлари асосида бўлиш ҳўзирги замон

тақозоси эканлигини таъкидлади. Семинар-кенгашда сўзга чиққан нотиклар ўз сўзларида хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш тартиби, бу борада қўнча ва ташкилотларда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимини, шартнома мажбуриятлари бажарилишининг аҳоли, хўжалик шартномаларини тузиш ва улар ижросини таъминлашда қўнчаларнинг юрдиқ хизмат ҳодимларининг ролини ошириш, бозор иқтисодиёти шартинда қўнча ва ташкилотлардаги қўнча қўнчаларини тўғрисида аниқ далиллар асосида гапирдилар.

(Ўз муҳбиримиз).

НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА КОМИП ИШОНЧ

Шу йилнинг 23 декабрида Вазирлар Маҳкамасида ислохотлар самарасини ошириш борасида маҳаллий ҳўқимият идоралари масъулиятини кўчайтириш, кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни қўқурлаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича академик лицейлар ва касб-ҳўнар коллежлари қўрилишини жадаллаштириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг сўзлаган нўтки давримизнинг долзарб масалаларини қамраб олганлиги билан кенг жамоатчилик диққат-эътиборини қозонди.

- Ҳўснидин ТЎЖИЕВ, «Ўзбеккабель» давлат хиссдорлик жамияти бошқарувининг раиси;
- Маъмура РОЗИЕВА, 127-акционерлик транспорт корхонаси ҳодимлар бўлими бошлиғи;

— Президентимизнинг ҳар бир чиқаришларини мамлакатимиз аҳли қатта қизиқиш билан қўтиб олади. Чўнки йўлбошимизнинг ҳар бир маърузалари ўзининг ҳаётийлиги, қўқур таҳлилий руҳи, дастурий мазмўни билан ажралиб туради. Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда эса бир қатор масалалар билан бирга кишлоқ хўжалиги ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чўнки бу соҳа иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллайди.

Албатта гап иқтисодиёт ҳақида бора экан, биз саноатчилар ҳам бундан ўзимизга тегишли ҳўсала чиқариб олишимиз керак. Чўнки ҳар бир жабҳадаги бугунги тараққийтимизни иқтисодиётимиз белгилаб бўлмайди.

Президентимиз бу ҳақда гапирар туриб яна бир жиҳдий муаммони ўртага ташладилар. Бу боқимданлик иллатидир. Уйлаймики, собиқ тузумдан қолган бу иллатни ҳаётимиздан ситиб чиқариш фўрсати келди. Ҳўсу-сан, мен ўзим раҳбарлик қилаётган қорхонани олайлик. Яширмайман, бизда ҳам шундай қайфият ҳўк сўрган вақтлар бўлди. Қарасак бу ҳўлатда ишимиз ривож қўринмайди-ган. Бундан танқидий ҳўсала чиқариб, ишимизга бутўнлай ўзгача муносабатда ёндашдик. Ҳўзир жаҳон бозоридида муносиб ўрин эгаллаган қорхонамизнинг иқтисодий барқарорлиги ҳам ана шундандир.

Мана бир мисол. Жорий йилда республикада 104 та хўжалик санациялаштирилди. Мазкур жамоаларга янги раҳбар кадрлар бошқарувга келди. Натижада юқоридидаги хўжалиқларнинг қўпчилиги яхши натижалар билан йилни якунлашга эришмоқдалар. Бундай ҳаётий

Мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-ни изчил амалга ошириш тараққийтимизнинг ўзи тақозо этаётган бош масала эканлигини ана шулардан ҳам билса бўлади.

• Рашид БОЙТУЛЛАЕВ, А. Абдурахмонов номидаги Тошкент политехникуми ўқитувчиси;

— Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда йўлбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, қўчли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», — деган шижоатли сўзлари бор-йўлда йўл қатъий ва кенг истиқболда эканлигини яна бир бор намўён этди. Шу мақсадда мамлакатда янги ўқув муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳўнар коллежлари қўрилиши ва уларнинг моддий-техника базасини мустақамлашга 30 миллиарддан ортиқ маблағ ажратилди. Бу демек республикамизнинг барча вилоятларида келгуси йилдан бошлаб дунё андозалари талабларига жавоб берадиган энг замонавий илм даргоҳлари ташкил этилиши учун пўхта замин яратилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессиясида ҳам таълим соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳа учун 143 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилга нисбатан анча кўпдир. Қўриниб турибдики, буларнинг барчаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топириш, мустақил юртимизга савдоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Кадрлар масаласи биз мўраб-бийлар зиммасига ҳам қатта масъулият юқлайди. Ёшлар тарбияси билан боғлиқ қўндалик фаолиятимизга ана шундан келиб чиққан ҳўлда ёнда-ишимиз керак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

26 декабрь кўни биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўнчинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида шаҳар ҳўқимининг ўринбосарлари, пойтахтдаги бошқармалар, бирлашмалар, концернлар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, туман ҳўқимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Сессия кўн тартибидида биринчи масала — 1998 йил режаларининг якунлари ва 1999 йилда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари ҳақида Тошкент шаҳар ҳўқими Қўлим Тўланов маъруза қилди.

Нотик 1998 йилдаги иш натижаларини таҳлил қилиб, шаҳарда жорий йилда асосий эътибор иқтисодий ислохотларни қўқурлаштириш чора-тадбирлари, оила манфаатларини таъминлаш борасидаги дастур ва тадбирларни амалга ошириш ҳақинда 1998 йилда халқ хўжалигини ислох қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган вазифаларнинг бажарилишига қаратилганлигини таъкидлаб ўтди.

Маъруза юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар Кенгашининг саноат, транспорт ва алоқа масалалари бўйича доимий комиссияси раиси, Ҳамза тумани ҳўқими Р. Муҳаммадхўжаев, «Нон-паста» хиссдорлик жамияти бошқаруви раиси Ф. Маликов, «Тошкент чинни заводи» хиссдорлик жамияти бошқаруви раиси Ф. Раҳматуллаевлар сўзга чиқдилар.

Тошкент шаҳрининг 1999 йилги бюджетни тўғрисида шаҳар молия бош бошқармасининг бошлиғи Б. Тўхиров маъруза қилди. Шу масала бўйича Тошкент шаҳар Кенгашининг иқтисодий ислохотини, маҳаллий бюджетни шакллантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Р. Ҳўломов қўшмча маъруза қилди.

Сессияда шўнингдек «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилдиган чора-тадбирлар Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида» Тошкент шаҳар ҳўқимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф. Абдураҳимова ва «Профессионал коллежлар ва академик лицейларнинг 1998-2005 йилга мўлжалланган моддий-техник базасини ривожлантириш дастурининг таътиқ этилиши ҳақида» Тошкент шаҳар ҳўқимининг ўринбосари Э. Эрназаровнинг маърузалари тинглади.

Сессия кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Сессияда шўнингдек бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Шахримизда фаолият кўрсатаётган «Тош-сут» хиссдорлик жамияти ўзига хориждан ишончли ҳамкор кидираётган, янги технология асосида сифатли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйган жамоалардан бири саналади.

Бугунги кунга келиб корхонада сут ва сут маҳсулотларининг 10 дан ортқ тури ҳамда турли мева шартлари тайёрланиб, пойтахтимиз аҳолиси дастурхонига тортилмоқда. Айниқса, 1996 йилда Швециянинг «Тетра-пак» линияси ўрнатилган цехда тайёрланаётган шартлар, сут ҳамда тозаланган сув маҳсулотлари ўзининг қадоқлангани, сакланиш мuddатининг узоклиги, хуштаъмлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Биз асосан хом ашёни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган консерва заводларидан, сутни эса Тошкент вилояти жамоа хўжаликларида шартнома асо-

Саноат

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

сида оламиз, — дейди хиссдорлик жамияти раиси Рустам Юсупов. — Лекин кейинги вақтда жамоа хўжаликларининг сут етказиб бериш, унинг сифати таълиги албатта ишимизга салбий таъсир этмоқда. Бунга сабаб айрим жамоа хўжаликлари фермаларининг ўзидан кичик корхоналар очилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хусусий тадбиркор ва ишбилармонларнинг кўпайгани яхши. Албатта, бизга рақобатчиларнинг пайдо бўлиши маҳсулот сифатига, харидор дидини алоҳида ўрганишга, янги-янги маҳсулот турларини яратиш йўлида изланишга ундайди. Лекин чет элдан асбоб-ускуна келтириб, уни ишга тушириш билан иш битмайди. Чунки кўпчилик жамоа хўжаликларида бунинг учун санитария қоидаларига жавоб берадиган алоҳида хоналар йўқ. Ундан ташқари у ерларда турли хил микроблардан тозаловчи мосламалар мавжуд эмас. Бизнинг корхонамизда эса олиб келинган сут маҳсус мослама орқали 147°C да қайнатилади ва бу ҳароратда ҳар қандай микроб ҳам барҳам топади.

Корхонада бир йилдирки, Америка билан ҳамкорликда ташкил этилган «Санджус продекшн» кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхонада тайёрланаётган цитрус мевалари ҳамда шоколадли шартлар харидорларга манзур бўлмоқда. Цитрус меваларидан шарт тайёрлаш учун хом ашё Голландиядан келтирилади. Бунинг учун Голландиянинг «Делер» фирмаси билан ҳамкорлик қилинмоқда. Шунингдек кўшма корхона маҳсулотлари шахримиздаги «Демир» супермаркети орқали сотилмоқда. Шунинг ҳам айтиш ўринлики, Туркиянинг «Демир» фирмаси жамоаси хиссдорлик жамиятининг 14 фоиз акцияларини сотиб олганлар.

— Ушбу фирма билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди корхона раҳбари ўз сўзини давом эттириб. — Келгусида эса «Демир» фирмаси билан шерикликда корхонамизини кўшма корхонага айлантириш режамиз бор. Ана шунда цехларимизга юксак унумли замонавий ускуналар ўрнатиб, янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Айни кунларда эса Финляндиянинг «Элопак» фирмаси билан ҳамкорлигини йўлга қўймоқдамиз. Ушбу фирмидан янги технология келтириб ўрнатиш учун музокаларлар кетмоқда. Янги технология асосида ҳимояланган маҳсус қозғоқ қутиларда қатқ ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. «Элопак» фирмасининг ушбу технологияси асосида 1 соатда 2000 та қозғоқ қутиларда маҳсулот тайёрлаш имконияти бор. «Элопак» технологияси жаҳон тажрибаларида синалган, сифатли маҳсулот қафолатини бериш билан озиқ-овқат саноатида ўз мавқеига эга.

Корхонада янги маҳсулот турларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ушбу йилда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган помидор, узум, шафтоли шартларни кичик-кичик қозғоқ қутиларда тайёрланганини айтиш лозим. Лекин бундай саклаш мuddатига эга бўлган қозғоқ қутиларнинг четдан валюта хисобига келтирилиши тайёр маҳсулот нархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бундай қозғоқ қутиларни ўзимизда ҳам тайёрлашни йўлга қўйсак, маҳсулотнинг харидоригирлиги янада ортган бўларди.

Ҳозирда кўшма корхона маҳсулотлари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Жорий йилда Қирғизистонга 150 минг долларлик маҳсулот тоборилди. Келгусида эса бошқа хорижий давлатларга ҳам маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Республикаимизга кучли инвестор сифатида кириб келган Жанубий Корея автомобилли, электроника, турли сервис хизматларини йўлга қўйди. Шунингдек, мутахассислар айирбошлаш, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик ва ҳамжihatликларни ҳам эътироф этамиз. Биз ҳамкорлигининг янги қирраларидан бири хисобланган Ўзбекистон — Жанубий Корея давлатлари асос солган «ЎзДЭУбанк» фаолияти хақида тўхталмоқчимиз.

1997 йилнинг 14 майида пойтахтимиз Тошкентда ташкил толган мазкур кўшма банкнинг муассислари: «ДЭУ Секюритиз» яъни «ДЭУ» компаниясининг кўмматбаҳо қозғоқлар билан шугулланувчи шўъбаси, Европа тараққиёт банки, Корея — Америка Кўшма банки, Ўзбекистон Миллий банки, Ўзбекистон акционерлик тижорат «Турон» банкларини хисобланган. Бу банк фаолияти диёримизда, шунингдек, хориж мамлакатларида эътибор топиб, ишонч қозонаётгани бизда унинг хизматлари билан яқиндан танишишимизга омил бўлди. Биз «ЎзДЭУбанк»нинг миллий валюта бўлими бошлиги Шерали Пармонов билан суҳбатлашар эканмиз, у киши дастлаб банк фаолияти, унинг таркибий қисми бўлган бўлимлар ишига эътиборни қаратди.

— Бизнинг банкимиз асосан Миллий валюта бўлими, хорижий валюта, экспорт-импорт операцияларини бошқариш,

чет эл ва Ўзбекистон ҳудудидаги қимматбаҳо қозғоқлар билан ишлаш ҳамда кредит бўлимларидан ташкил толган.

Миллий валюта бўлимининг ҳукуматимиз қарорлари ва Марказий банк кўрсатмалари асосида миллий валютани қаддини ошириш, ижтимоийнинг кунлик тўловларини тез ва ўз вақтида ўтказиш бўйича иш юритади. Уларга қўшма мuddатли ва узок мuddатли депозитларни олишда кўмак беради.

Маълумки, банк бор жойда рақам ва кўрсат-

дан кўмак бермоқда.

— Шерали ака, кредит-қарз ҳавола қилиш бўлими хақида тўхталашдан аввал, кредит қимматга берилади? Шу хусусда батафсил тўхталсангиз?

— Қарз беришда биз асосан ўзимизнинг мижозларимиз хисобланган давлат ишонарлиги, саноат ва бошқа ишхоналарга берамиз. Мижозларимиздан бирортаси қарз сўраб келса, унинг аризаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўрсатмалари асосида ўрганиб чи-

Биз ва жаҳон

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

кичлар таққосланиб борилади. Банкимизнинг ўтган йилги қўйилган депозитларини бу йилгилари билан таққослаганимизда ўз фойдани олиб кетди. Узок мuddатли депозитларимиз бир ўз эллик фойизга ошди. Албатта, банкимиз жаҳон андозаларига ҳар томонлама яқинлаштирилган банк. Бизнинг хорижий банклар билан узаро ваколатли ҳисоб рақамларимиз бор. Масалан, Германияда, Буюк Британияда, Америкада валюта ҳисоб рақамлари очилган.

Давлат ва банклар бор экан, чет эл билан муомала қилинади. Бунда шубҳасиз экспорт, импорт муомаласига эътиҳоз сезилади. Республикаимиз асосан пахтачилик билан шугулланади. Кўп ишхоналар ўзларининг тайёр маҳсулотларини четга экспорт қилишмоқда. Айнан мана шу бўлимининг ишхоналарга жуда яқин-

қилиди, кредит, қарз берувчи бўлим мутахассислари томонидан чўқур анализ қилинади. Ишончнинг кредит қобилияти, молиявий аҳолининг атрафлича ўрганиб чиқиб, бир ҳафта мобайнида кредит бериш ёки бермаслик ҳақида қарор берилади.

Навбатдаги бўлим фаолияти хақида тўхталганимизда асосан Ўзбекистон ҳудудида қимматбаҳо қозғоқлар бозори тўғрисида гапирганимиз керак бўлади. Юқорида айтиб ўтдикки, «ЎзДЭУбанк» мижозларимиздан катта миқдорда қўшма ва узок мuddатли депозитлар жалб қилиб, шу депозитларни республикаимиз кўмматбаҳо қозғоқлар бозорида жойлаштириб, фойда олади. Давлат томонидан чиқарилган қўшма мuddатли давлат облигация бозорида фаол қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари, бўлимининг чет

эл банклари масалан, Европа банклари, Америка ва Осиё банклари билан узок мuddатли депозитлар қўйиб, улардан фойдалар олиш билан шугулланиб келмоқда.

— Банк маъмурияти ва мутахассислар хақида ҳам икки оғиз айтсангиз.

— Банкимиз раҳбари Қванг-Янг Чой кўп йиллар мобайнида чет эллар банкларида хизмат қилиб келган. Америка, Германия банкларида, Осиё банкларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Бизнинг банк фаолиятини ҳам яхши йўлга қўйишда бу жаҳоннинг хизматлари катта.

Биздаги ҳамма мутахассислар хорижий тилларда бемалол гаплаша олишади. Қолаверса, банк биноси пойтахтимизнинг марказида жойлашган. Мана шу ўринда Корея — Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатнинг тимсоли сифатида бизнинг банкимиз фаолиятига баҳо бериш керак. Ҳозирги кунда бизнинг банкимизда хориждан келган турт нафар мутахассис ишламоқда. 30-40 нафар маҳаллий мутахассислар ишламоқда. Банкимизнинг шундай шори бор: «Банк мижоз учун хизмат қилиши керак, мижозлар банк учун эмас». Ҳозирги кунда банкимизнинг обрўси нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки чет эл банклари орасида олиб бормоқда. Ундан ташқари пул бор жойда ишонч бўлиши керак. Шу кунгача мижозлар ишончини банкимиз оқлаб келди. Бундан кейин ҳам мижозларимиз билан узаро ишонч, ҳамкорлик асосида ишлаш ниятимиз бор.

Суҳбатдош
Фатхулла ҲИКМАТОВ.



Шайхонтоҳур туманидаги «Маҳзуна» хусусий ательесидан, меҳнат қилаётган чеварлардан кўпчилик мамун бўлмоқда. Чунки улар қисқа вақт ичидан турли ҳажимдаги кийимларни тикиб беришади.

СУРАТДА: ательенинг моҳир тикувчиси Улфатой Қодирова. Қозим Улмасов олган сурат.

Тошкент тепловоз депоси жамоаси зиммасига тепловозларни таъмирлаш ва уларнинг мунтазам ҳаракатда бўлишини таъминлашдек муҳим, масъулиятли вазифа юклатилган. Ҳўш, жамоа бу давлат, хўжалик аҳамиятига эга бўлган ишни қандай бажармоқда? Депо хизматчиларининг бугунги кунини қизиқсангиз, бу саволга албатта жавоб топасиз.

Мазкур меҳнат жамоасининг сай-ҳаракати билан «Тошкент-Чингелди», «Тошкент-Бекобод» оралигида, шунингдек, «Тошкент-Самарқанд» ҳамда «Самарқанд-Тошкент» йўналишлари бўйича тепловозлар қатъий жадвал бўйича қатнаб, йўловчилар белгиланган вақтда ўз манзилларига ҳавф-хатарсиз элтиб қўйилмоқда. Бундан ташқари, «Тошкент-Ҳўжақент», «Тошкент-Ангрен» ва «Тошкент-Жиззах» сингари шаҳар атрофи йўналишлари бўйича тепловозларнинг мунтазам ҳаракатини таъминлаш, шу билан бирга Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудидаги 90 га яқин бекатларда кичик тепловозлар ёрдамида вагонлари мўйайн белгиланган йўналишлар бўйича тайёрлаб қўйиш ишлари ҳам мазкур депо ишчи-хизматчилари зиммасида.

— Бугунги кунда жамоа-

мизда ҳаммаси бўлиб 1 минг 232 киши меҳнат қилмоқда, — деди биз билан суҳбатда Тошкент тепловоз депоси бошлиги Баҳром Муротқобиллов. — Уларнинг бир ёқадан бош чиқариб ташаббускор ва тадбиркорлик билан иш юритишлари натижасида жамоа бўйича юқори кўрсаткичларга эришяпмиз.

Дарҳақиқат шундай. Бошликнинг гапига қараганда, шу йил-

ганимиздан кейин вақтдан унумли фойдаланиб, иқтисод ва тежамкорлик билан ҳаракат қилишимиз тўғрисида эндиликда 40 турдан зиёд турли эътиҳоз қисмларини бевосита ўз устахонамизда таъмирлашни йўлга қўйдик. Утган йил бошидан эса резина-техника буюмлари, чўноччи турли ўлчамдаги гильзаларни мустаҳкамлашга мўлаштирилган ҳалқаларни ҳам депонинг ўзидан тайёр-

Транспорт

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

нинг 9 ойи мобайнида жамоа фақат юк ташишининг ўзидангина 230 миллион сўм даромад қилинган. Йўловчилар ташинишдан олинган сўм фойда 410 миллион сўмни ташкил этди.

9 ойи мобайнида турли ташкилот, корхона, идора ва муассасаларига тепловозларнинг ижарага беришдан келган даромад 78 миллион сўм бўлди. Бошқа хилдаги техник иқтисодий кўрсаткичлар ҳам салмоқлидир. Хуллас, депо жамоасининг 9 ойда ишлаб топган даромади 1 миллиард 14 миллион сўмга етди.

— Илгари зарур эҳтиёт қисмлари асосан Россиядан келтирилган эди, — деди Баҳром Муротқобиллов сўзида давом этиб, — Мустақилликка эриш-

лаяпмиз. Унчага бу хилдаги хилма-хил деталу эҳтиёт қисмлари Россиядан олар эдик. Шу йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб кичик тепловозларни капитал таъмирлаш ишлари ҳам ўзимизда амалга ошири-лаётганимизга айни мuddа бўлди. Шунингдек, ўндан зиёд ра-ционализаторлик тақлифи ишлаб чиқаришга таътиқ этилган, ҳам қўлга киритилган ютуқларимизнинг гарови бўл-

моқда. Депода ана шу ва бошқа зарур тадбирлар амалга ошири-лаётганимизга боис тепловозларни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга 690 миллион 907 минг сўм сарфланган. Бошқача қилиб айтганда, тўққиз ойда кўзда тутилганидан 59 миллион 900 минг сўм кам ха-

ражат қилинди. Шунингдек, таъмирлаш ишлари таннари 59 миллион сўмга арзонлашди.

Чиндан ҳам ҳар қандай ютуқлар замирида юқори самардорликка эришиш йўлида қилинган сай-ҳаракат, иш унуми ва сифатини яхшилаш борасидаги изланиш тадбиркорлик йўлида қилинган меҳнат ётади. Бу борада сўз юритилар экан, депо бош муҳандиси Абдуфаттоҳ Гойибназаров, депо бошлигининг таъмирлаш ишлари бўйича ўринбосари Владимир Горюнов, техника бўлими бошлиги Дилбар Толипова, шу бўлим муҳандиси Турсунбой Абдурахмонов, уста Узган Фозиллов, дизелчи-чилангар Эргаш Раҳимов каби фидойи, тадбиркор ва ташаббускор ишчи-хизматчиларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтиш даркор. Жамоанинг аҳли-иноқликда самарали меҳнат қилаётгани боис ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлиги ҳам 15 минг сўмдан ошган. Тепловоз машинистлариники эса 17 минг 760 сўмни ташкил этди. Шунингдек, чилангарларнинг ўртача ойлиги 14 минг 340 сўмга тўғри келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнатни тўғри ташкил этиш тадбиркорлик билан иш юритиш ва юқори иштиёмога риоя этилаётганимизга эришилган барча муваффақиятларнинг омилли бўлмоқда.

Музаффар ТУРОВОВ.

Бизнесмиз?

«ФОРД»ДАН «ФИАТ»ГАЧА

Бугунги кунда дунёда автомобиль ишлаб чиқараётган давлатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шулардан бири Бразилиядир.

Бразилияда четдан автомобиллар келтириш мамлакат иқтисодида катта зарар келтирарди. Шунинг учун иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, мустақил бўлиш учун мамлакат ўзининг автомобиль саноатини ривожлантиришга бел боғлади. Бразилияда биринчи марта Сан-Паулу шаҳрида 1919 йили Генри Форд «Форд-Т» автомобилни йиғиш заводини қурди. Олти йилдан кейин Форд фирмасининг бош рақобатчиси «Женерал моторс» ҳам ўз автомобил ийғиш заводларини қуришни бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бразилияга қўллаб-қувватлаш оқиб кела бошлади ва бунинг натижасида Германия Федератив Республикасининг қўллаб-қувватлаш бўлими билан асосан автомобильсозликни ривожлантиришга кенг йўл очилди.

1960 йили «Фольксваген» компанияси Бразилияда ўзининг қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқарадиган заводини қуриб, тезда ишга туширди. Бу заводда автомобил ийғиш чаракли барча деталлар ишлаб чиқарилади ва автомобиль йиғилари. Яъни конвейерлардан «Жук» маркали автомобиллар чиқа бошлади. Бу автомобилни бразилияликлар португал тилида «Фуска» деб ҳам атайдилар.

